



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 22 октябрь, № 206 (5880)

Сешанба

хабарлар

Янгиликлар, воқеалар

■ “Тошкент — Ўш” автомагистралда йўл инфратузилмаси ва замонавий сервис тармоқларини ривожлантириш борасида кўплаб лойиҳалар ҳаётга татбиқ қилинаётир.

Замонавий сервис мажмуаси

Хусусан, автомагистраль ёқасидаги махсус белгиланган нўкталарда барпо этилаётган умумий овқатланиш, савдо, маиший хизмат, меҳмонхона мажмуалари, авария-қақрув ва техник хизмат кўрсатиш пунктлари аҳоли ҳамда йўловчилар учун қулайликлар туғдирмоқда.

Оҳангарон туманилик ака-ука тадбиркорлар Жасурбек ва Дилмурод Алимовлар саёй-ҳаракати билан катта йўл ёқасида яна бир мажмуа қуриб битказилди. Бу ерда автомобилларни жорий таъмирлаш, тезкор техник хизмат кўрсатиш устaxonаси, шунингдек, эҳтиёт қисмлар билан савдо қилувчи шохобча фаолияти йўлга қўйилди.

Тижорат банкнинг 150 миллион сўмлик молиявий мадади ҳисобидан барпо этилган сервис мажмуасида 10 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



КЕНГ ИМКОНИЯТ ВА ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНИШ

Ўзбекистон макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга эришаётган давлатлар қаторидан тобора мустақам ўрин эгалламоқда. Бугун бундай эътироф халқаро миқёсда ўтказилаётган кўплаб анжуманлар, бизнес-форумларда қайта-қайта тилга олинапти. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки кейинги йилларда юртимизда барча соҳаларда жадал ўсиш кузатилиб, аҳолининг турмуш даражаси тобора фаровонлашиб бормоқда.

КИЧИК БИЗНЕС



(Давоми 2-бетда).

■ Жиззах шаҳридаги “Лаззатком” кўп тармоқли хусусий фирмаси фаолият турини кенгайтириб, нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этди.

Кўшимча иш ўринлари яратилди

— Натижада кўшимча 8 та иш ўрни яратилиб, ишчи-ҳодимлар сони 14 нафарга етди, — дейди фирма раҳбари Ёркин Каримов. — Технологиянинг ихчам ва тежамкорлиги аҳолига арзон ва сифатли маҳсулот етказиб беришда муҳим омил бўлмоқда. Ҳар ойда 15-20 тонна ун қайта ишланиб,

истеъмолчиларга қўйилган нон ва қандолат маҳсулотлари тайёрлаб бераймиз.

Келгусида умумий овқатланиш шохобчаси ва дорихона фаолияти йўлга қўйилган, ишчилар сони 2 баробарга ортиши кутилаётир.

Уллубек АДИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Қарши шаҳридаги оилавий корхонада кўмир кукунидан брикет тайёрлаш ўзлаштирилди.

Кўмир кукунидан ёқилғи

Айни пайтда бу ерда кунига 1 тоннадан ортиқ арзон ва сифатли ёқилғи ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу маҳсулотнинг ташиш ва ёқилғи учун қулайлиги боис ички бозорда унга талаб ортиб борапти.

“Самадова Наргиза Манноновна” оилавий бизнес субъектига мазкур истиқболли лойиҳани рўёбга чиқаришда банкнинг 400 миллион сўмлик имтиёзли кредити қўл келди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Қизилқум туманидаги “Қизилқуммаҳсулсусув-пудрат” давлат унитар корхонаси раҳбари Нормурод Хўжамқулов Шеробод ҳамда Қизилқум туманлари экин майдонларидаги оқова сувлар йиғиладиган “Қорасув” кўлида балиқ ва ўрдақ боқишни йўлга қўйди.

Маҳсулот тури кўпаяди

— Бунинг учун дастлаб “Қизилқум оқ амури” фермер хўжалигини ташкил этдик, — дейди тадбиркор. — Ҳозирги кунда ҳавзаларимизда 1,5 мингта ўрдақ парваришланмоқда. Улардан олинаётган тухум корхонамиз ишчи-хизматчиларига тарқатилаяпти.

Шунингдек, оқова сувлардан ҳосил бўлган кўлга 10 мингта балик чавақларини ҳам ташлагандик. Ҳадемай, ушбу тармоқдан 10 тоннага яқин тармоқдан олишни кўзлаб турибмиз.

Нормурод ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

■ Зарафшон шаҳрида трикотаж маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослаштирилган “Rizelli Zarafshon” хусусий корхонаси иш бошлади.

Харидорлардан дастлабки буюртма

Хитойдан келтирилган илғор дастгоҳларни бошқариш учун 15 нафар чевар ишга қабул қилинди.

— Корхонамизда йилига 150 минг дона, 12 турдаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қуввати мавжуд, — дейди корхона раҳбари Дийржон Исмаилов. — Эътиборлиси, қисқа муддатда харидорлар эътиборини қозониб, 50 миллион сўмлик буюртмага эга бўлдик.

Азамат ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

КОНСТИТУЦИЯ — менинг тақдиримда



“Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга”.

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасидан).

Жамиятнинг муҳим бўғини

“Оилангиз тинчми, фарзандларингиз омонми?” Ана шу сўзларни ҳар кун эшитамиз, ўзимиз ҳам кўп бора тилга оламиз. Ахир бу — шарқона лутф, ўзбекна сўрашишнинг ажралмас бўлағи-да.

Хориж фильмларини томоша қилганда, ҳайрон қоласан киши: икки яқин қариндош узок вақт ўтиб учраганига қарамай, шунчаки бири-бирига қўл бериб қўя қолишади. Баъзида эса бош иргаш билан кифояланишади. Бизда-чи? Бир-бирининг оиласи хотиржамлигини билиш — азалий таомил. Бусиз қўл сўраш тўқис бўлмайди. Ушбу эзгу аънанадан ҳам аёнки, халқимиз оилани ҳар недан устун билади. Қаранг, Президентимиз шу йил июнь ойида вилоятимизга ташриф

буюрганларида, Оқолтин туманилик комбайнчи йигит Азизбек Жўраевдан, аввало, оиласи ҳақида сўрадилар. Ана шу юксак эътибордан яна бир бор ҳис қилдикки, мамлакатимизда оила, ҳақиқатан ҳам, жамиятнинг энг асосий бўғинидир.

Фаолиятимиз юзасидан тез-тез хонадонларда бўламиз. Шунда оилалардаги тотувлик, файзу баракани кўриб, шукрона айтамыз. Бугун исталган уйга қиринг. Замонавий рўзгор буюмлари ва жиҳозларини кўриб, кўзингиз қувнайди. Дастурхони ноз-неъматларга тўла. Одамларнинг яшашга иштиёқи зўр. Қалби ширин орзуларга лиммо-лим. Фарзандларимиз онгу тафаккури юксалиб борапти.

(Давоми 2-бетда).

Қисқа сатрларда

● Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Иқтисодий тадқиқотлар

маркази ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистон бизнес форуми” лойиҳаси томонидан “Ўзбекистонда ишбилармонликнинг фаолиги ва муҳити индекслари” мавзусида брифинг ўтказилди.

● Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қишлоқларда инфратузилмани янада ривожлантиришда тижорат банкларининг тутган ўрнига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

● Миллий гоё ва мафкура илмий-амалий маркази ташаббуси билан “Обод турмуш йили” Давлат дастури вазифаларидан келиб

чиқиб ўтказилган “Ёшлар “оммавий маданият”га қарши!” ижтимоий акцияси ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

● Ўзбек Миллий академик драма театрида ўзбек тилига давлат тили макони берилганининг 24 йиллигига бағишлаб ташкил қилинган “Тил, тараққиёт ва маънавият” мавзусидаги маънавий-маърифий тадбир иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Унда ёш авлоднинг она тилимизга бўлган қизиқиши ва ҳурмати янада кучайтириш, турли вазирилик ҳамда идоралар, жамоат ташкилотларининг бу борадаги ҳамкорлигини мустақамлаш юзасидан фикр алмашилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

МАҲАЛЛА ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ҲАМКОРЛИГИ

фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ошқоралик, муқобиллик ва тенглик тамойиллари асосида ўтказишда муҳим аҳамият касб этади

Жорий йилнинг ноябрь — декабрь ойларида бўладиган фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини демократлаштириш, либераллаштириш, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнлари чуқурлашиб бораётган, фуқароларнинг ижтимоий фаолиги кучайган, сиёсий ва фуқаролик позицияси юксалган даврга тўғри келаётир. Бино-

барин, 9756 нафар фуқаролар йиғини раиси, уларнинг 97 минг нафардан зиёд маслаҳатчиси сайловнинг режалаштирилган ушбу ижтимоий-сиёсий тадбир янги тахрирда қабул қилинган “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонун таллаблари асосида ўтказилади.

Кўриниб турибдики, айни кунларда сайловларга пухта ҳозир-

лик қўриш, жумладан, фуқаролар йиғинлари ҳамда маҳаллий Кенгашларнинг ҳамкорлигини янада кучайтириш вақт тақозосидир. Зеро, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида маҳалла институти ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, соҳага оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш зарура-

ти ҳар томонлама асослаб берилган эди. Ўтган даврда бу борада кўплаб ишлар рўёбга чиқарилди. Бунинг самараси ўлароқ, бугун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хусусан, маҳаллий вакиллик органлари билан ҳамкорликда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар, ёшлар бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик, оилавий бизнесни ривожлантириш, эколо-

гия ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва жамоатчилик назорати ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби маҳалла ваколатларига киривчи кўплаб масалаларни муваффақиятли ҳал этиб келмоқда. Бу эса тегишли ҳудуддаги муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларга ечим топишда айни мудида бўлаётир.

(Давоми 2-бетда).

МАҲАЛЛА ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ҲАМКОРЛИГИ

фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ошкоралик, муқобиллик ва тенглик тамойиллари асосида ўтказишда муҳим аҳамият касб этади

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу ўринда мамлакатимизда ушбу органларнинг самарали ҳамкорлигини таъминлашга қаратилган мустақкам ҳуқуқий замин яратилганини айтиш зарур. Чунки, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунда халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши ва вилоят, туман, шаҳар ҳокими тегишли ҳудудда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ри-вожлантиришга қўмаклашиши ҳамда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини йўналтириш туриши белгиланган.

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги Қонунда эса депутат фуқаролар

ўзини ўзи бошқариш органи билан учрашувлар ўтказиши, ўзини депутатликка номзод қилиб қўриган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи билан доимий алоқа боғлаб туриши зарурлиги, тегишли халқ депутатлари Кенгашида уларнинг манфаатларини ифода этиши лозимлиги баён этилган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ва маҳаллий вакиллик органлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари қонуности ҳужжатларида ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг намунавий регламентини халқ депутатлари Кенгашининг иш режаси тегишли ҳудудда жойлашган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тақлифларини

инобатга олган ҳолда, ишлаб чиқилиши кўрсатиб ўтилган. Мазкур халқ депутатлари Кенгашининг асосий иш шакли сессия ҳисобланади. Регламентга кўра, сессия муҳокамасига киритилаётган муҳим ва долзарб аҳамиятга эга масалаларни тайёрлаш учун ишчи гуруҳ ташкил этилиши мумкин ва ушбу ишчи гуруҳ масалани сессияга тайёрлаш вақтида тегишли ҳудуддаги фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фикрларини ҳисобга олади. Айни чоғда регламентда сессияларда тегишли ҳудуддаги фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокидаги муаммоларни ҳал қилишга қўйилган.

Янги таҳрирда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги

Қонунга мувофиқ, ушбу ҳамкорлик доираси янада кенгайтирилди. Мазкур ҳужжатда фуқаролар йиғинининг кенгаши халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатларига сайловчилар билан учрашувлар уюштириш, фуқароларни қабул қилиш ва ўз сайлов округларида бошқа ваколатларини амалга оширишда қўмаклашиши назарда тутилган. Бундан ташқари, фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашининг ташаббуси билан чақирилиши мумкинлиги тўғрисидаги норма ҳам белгиланди. Айни чоғда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ фао-

лиятда ҳолисликни янада кучайтириш, номзодларга бир хил шароитни таъминлашга қаратилган янги талаблар кўзда тутилгани ҳам айтиб ўтиш жоиз. Эндиликда ишчи гуруҳ таркибига фуқаролар йиғини, ҳудуддаги нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотлар вакилларидан ташқари, халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг депутатлари ҳам киритилди.

Шулардан англашладикки, мамлакатимизда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда маҳаллий вакиллик органлари ҳамкорлигининг мустақкам ҳуқуқий асослари яратилган бўлиб, у тобора такомиллаштирилмоқда. Бу эса фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сайловини ошкоралик, муқобиллик ва тенглик тамойиллари асосида ўтказиш орқали маҳалла институти янада ривожлантиришда мустақкам ҳуқуқий кафолат бўлиб хизмат қилади.

Давронбек ОЛИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Амалдаги қонун ҳужжатлари
мониторинги институти
етакчи илмий ходими.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судида

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимизнинг 2012 йил 18 июлдаги "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони амалга ошириш юзасидан 2013 йил 1 январдан эътиборан Олий ҳўжалик судининг расмий веб-сайтида тадбиркорлик субъектларининг даъво аризалари ва илтимосномаларини электрон қабул қилиш бўйича марказлаштирилган дастурий таъминот ишга туширилиши ҳисобига тадбиркорлик субъектлари учун қўлайлиқлар яратилгани, бу эса уларнинг вақти ва маблағларини

тежаётгани йиғилишда алоҳида эътироф этилди. Айни чоғда ҳўжалик судлари фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш юзасидан муайян чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Йиғилишда жорий йилнинг 9 ойи давомида амалга оширилган ишлар билан биргаликда, ҳўжалик судларида ишларни ташкил этиш борасида кузатилаётган айрим камчиликларга ҳам эътибор қаратилади ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилади.

Олий ҳўжалик суди
Матбуот хизмати.

«Саломатлик поезди» — Оролбўйида

Юртимизнинг чекка ва олис ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳоли саломатлигини мустақкамлаш ҳамда уларни тиббий-ижтимоий қўллаб-қувватлашга нафақат давлат, балки нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

ХАЙРИЯ АКЦИЯСИ

Хусусан, "Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ва "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган навбатдаги "Саломатлик поезди" Қорақалпоғистон Республикасига етиб келди. Бир ҳафта давом этадиган ушбу хайрия акцияси орқали малакали шифокорлар томонидан аёллар ва болалар тиббий

кўрикдан ўтказилиб, муолажа қилинади. Бундан ташқари, даволаш-профилактика муассасаларига озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон, тиббиёт анжомлари, санитария-гиена воситалари етказиб берилди. Меҳрибонлик уйлари, шифохоналар, туғуруқ мажмуалари, махсус мактаб-интернатларга ҳам ана шундай муруват ёрдами кўрсатилади.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Жамиятнинг муҳим бўғини

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Яқинда намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган тураржойлардан бирига кирганимизда, оила бекаси "Биз ҳечам ўзимизни қишлоқда яшаймиз, деб ҳис қилмаймиз, шароитларимиз шаҳардагидек", деб қолди. Тўғри-да, шундай мухташам иморатларда ҳаёт кечирish — чинакам бахт. Ҳамма қўлайлик муҳайё. Барча имконият бор. Бугун ёш оилалар вакиллари билан суҳбатлашсангиз, бири имтиёзли кредит эвазига уйли-жойли бўлганидан сўз очса, бошқаси истеъмолий кредит олиб, рўзгорини бот қилганидан мамнуулигини айтади. Яна кимдир эса қўлай тадбиркорлик муҳити туфайли оиласи бюджетни мустақкам бўлганлигини гапирди. Айни пайтда марказимиз томонидан ҳам оилаларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Масалан, шу соҳада иш бошламоқчи бўлганларга имтиёзли кредит олишларига қўмак бераёلمиз.

Албатта, буларнинг бари мамлакатимизда оила институтининг қонуний асослари яратилгани, хусусан, Конституциямизда унинг давлат ва жамият муҳофазасида бўлиш ҳуқуқи кафолатлангани билан боғлиқ. Zero, оила фаровонлиги — эл-юрт фаровонлиги демасқидр.

Сабоҳат ЗУННУНОВА,
Сирдарё вилояти
«Оила» илмий-амалий маркази раҳбари.

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бугунги кунда кичик бизнес мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий тараққиётини янада юксак босқичга кўтаришга хизмат қилаётган асосий қўчга айланди. Ушбу истиқболли ҳаракатнинг республика яли ички махсулотиди, экспорт ҳажми ва аҳоли бандлигида улущи муттасил ошиб бораётгани шундай дейишимизга асос бўла олади.

Узоққа бормайлик, яқинда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ўтказилган IX Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида дунёнинг 40 та мамлакатидан ташриф буюрган мутахассислар иқтисодий-иқтисодиётида қўлга киритилаётган ютуқларга юксак баҳо бергани, инвесторлар ўз бизнес фаолиятини айнан юртимиз билан



КЕНГ ИМКОНИЯТ ВА ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНИШ

боғлашга қарор қилгани бунинг яққол далилидир. Zero, улар Ўзбекистон эришяётган иқтисодий муваффақиятлар замирида яратилган қўлай ишбилармонлик муҳити ҳамда кичик бизнесга берилаётган эркинликнинг беқисс самараси муассас эканлигини ҳавас билан қайд этдилар.

Чиндан ҳам, бугун мамлакатимизда иқтисодиётнинг мазкур муҳим соҳаси учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Уни сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтариш мақсадида қўшимча имтиёз ва преференциялар қўллаш, молия, солиқ ҳамда статистика идораларига ҳисобот топшириш механизмининг такомиллаштириш бўйича ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. Айтиш жоизки, Президентимизнинг 2012 йили қабул қилинган "Статистика, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рўхсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Ишбилармонлик муҳити-

ни янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари тизимда янгиланишларнинг мантикий давоми бўлди. Бу эса, ишбилармонлар сафи кенгайиб, ички бозорни импорт ўрнини босувчи сифатли махсулотлар билан тўлдиришга хизмат қилаётгани аҳамиятлидир.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, хусусий тадбиркорлик дастлаб савдо-сотиқ, хизмат ва алоқа соҳасида, шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги махсулотларини қайта ишлаш ҳисобига шакланган бўлса, айни пайтда у кириб бормасан соҳа даярлик қолмади. Илгор илмфан ютуқларига асосланган саноат тармоқлари дейсизми, фармацевтика дейсизми, ахборот-коммуникация тизими ёхуд муқобил энергетика турларидан фойдаланиш бўлади-ми — буларнинг барчасида кичик бизнес субъектлари самарали фаолият юритиб, ички бозорни рақобатдор махсулотларга тўлдирмоқда, аҳоли-

га намунали ва сифатли хизмат кўрсатмоқда. Пойтахтимиздаги "Liit Rush Cosmetics" масъулияти чекланган жамияти — шундай тадбиркорлик субъектларидан бири. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган экологик тоза ва саноатлик учун фойдали бўлган атирсовулар республикамиз ички бозоридида ўз ўрнига эга. Мазкур корхона томонидан йилига 2,5 тонна атирсовун харидорларга етказиб берилмоқда. Жамият раҳбари Анна Смагинанинг айтишича, келгусида корхонада янги лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш мўлжалланмоқда. Бу "Liit Rush Cosmetics" фаолияти янада кенгайишидан далолатдир.

Пойтахт вилоятининг Қиробай туманида фаолият бошлаган "Jurabek Print" масъулияти чекланган жамияти эса турли шакл ва андозадаги босма, дори-дармон, озиқ-овқат махсулотлари ҳамда маший ашёлар учун қоғоз қутилар ва ёрликлар тайёрлашга ихтисослаштирилган. Мазкур ишлаб чиқариш субъекти

қисқа муддатда мамлакатимиздаги 20 дан ортиқ етакчи фирма ва компанияларнинг доимий ҳамда ишончли ҳамкорига айланди. Бунинг "Nestle", "Nobel Farm", "Knauf", "Artel", "Red-Bull", "Sayhun" каби машҳур савдо белгисига эга йирки саноат тузилмалари ўз махсулотларини харидорларга етказишда айнан шу корхона хизматларидан фойдаланаётганидан ҳам билиш мумкин.

Дилмоз УЛУҒМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Хосен ПАЙДОЕВ
олган суратлар.

Билимли, зукко, ораста

Ўзбекистон давлат консерваториясида ўрта махсус ва касб-хўнар таълими муассасалари ўқувчи қизлари ўртасида "Ораста қизлар" фестивалининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.

ФЕСТИВАЛЬ

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан "Обод турмуш йили" Давлат дастурига биноан ташкил этилган мазкур тадбирда ижодий кўриқнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида голиб чиққан жамоалар қатнашди.

Айтиш керакки, юртимизда истеъодли қизлар сафи тобора кенгайиб, уларнинг жамиятда муносиб ўрин топишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Хусусан, 2011 йилдан бунён республикаимиздаги барча мактаблар, касб-хўнар коллежлари ва академик лицейлар, олий таълим даргоҳларида "Ораста қизлар" тўғрақлари фаолияти йўлга қўйилгани ҳам ана шу эзгу саъй-ҳаракатларнинг мантикий давомиринг.

"Ораста қизлар" фестивалидан қўзланган асосий мақсад ёшларни мил-

ни янада жонлантириш ва такомиллаштириш, тенгқурлари орасида фаол тарғибот ишларини олиб бораётган қизларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришга хизмат қилади.

Фестиваль давомида иштирокчилар умуминсоний ва миллий қадриятлар, одоб-ахлоқ тамойиллари ҳамда мейёрлари, ёшлар тарбияси билан боғлиқ масалалар бўйича берилган вазифаларни саҳна кўришлари орқали намойиш этишди. Тадбир қатнашчилари юртимизда жорий этилган ўн икки йиллик мажбурий таълим моҳияти, балоғатга етмасдан турмуш қуришини олдини олиш, сиёсий, ҳуқуқий, тиббий соҳадонлик бора-сидаги билим ва кўникмаларини ҳам савол-жавоблар ёрдамида синовдан ўтказдилар.

Яқинда Тошкент шаҳар жамоаси биринчи ўринга лойик, деб топилди.



Орабек МИРСОАТОВ (ўса) омон-сурати.

лий истиқлол гоғларига ҳурмат рўҳида тарбиялаш баробарида, четдан кириб келаётган турли маънавий, гоғвий таҳдидлар, ахборот хуружларидан ишончли ҳимоя қилиш, ҳаётга фаол муносабатни шакллантиришдан иборатдир. Қолаверса, ушбу тадбир "Ораста қизлар" тўғрақлари иши-

Иккинчи ва учинчи ўринларга Сирдарё ҳамда Навоий вилоятлари "Ораста қизлар" жамоалари муносиб қўрилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

Мавжуда ХОЛМАТОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқий экспертиза

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш жараёнида қонун ҳужжатларини қабул қилишга ваколатли давлат органлари, шу жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги фаолияти муҳим ўрин тутати.

АНЖУМАН

Шу боис янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонунда вазириятлар, давлат қўмиталари ва идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби янада кенг ёритиб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазириликда ўтказилган "Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида қонун ижодкорлиги" мавзусидаги анжуманда шу хусусда атрофича сўз юритилди.

Қайд этилганидек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмаларининг

қонун ижодкорлиги фаолиятини тизимли таҳлил қилишни ташкиллаштириш, улар томонидан киритиладиган ёки қабул қилинадиган қонун ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонун ҳужжатларига, мамлакатда олиб борилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига, шунингдек, қонунчилик техникаси қондаларига мувофиқлигини аниқлаш юзасидан ҳуқуқий экспертизани амалга ошириш адлия органларининг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Айни чоғда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш мақсадида вазирият томонидан

қабул қилинган йўриқнома мазкур идораларда тайёрланаётган қарор лойиҳалари сифатини янада оширишда муҳим қўлланма бўлмоқда.

Тадбирда адлия органлари томонидан вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида ушбу масала бўйича ўрганишлар ўтказиш, натижасини умумлаштириш ва тегишли тақлифлар тайёрлашнинг кенг ҳамда самарали амалиёти йўлга қўйилгани таъкидланди. Мисол учун, биргина Жиззах вилояти, туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан 2011, 2012 йиллар ҳамда 2013 йилнинг биринчи чораги давомида жами 321 норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмасдан қабул қилинган. Бундай

қонунбузилиш ҳолатлари Навоий, Наманган, Фарғона вилоятларида ҳам кузатилган. Ўз навбатида, адлия органларининг маҳаллий давлат ҳокимияти идораларига киритаётган тақдимномаларини натижасида мавжуд камчиликларни бартараф этишга эришилмоқда.

Анжуманда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш, бунда, аввало, юридик хизматлар ишини самарали ташкил этиш ва уни малакали мутахассислар билан таъминлаш зарурати хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Зиёда АШУРОВА.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 22 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хоржий валюталарнинг сўма нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	2094,79	1 Россия рубли	68,11
1 Англия фунг стерлинги	3504,40	1 Украина гривнаси	271,36
1 Дания кронаси	397,60	1 Малайзия рингити	684,97
1 БАА дирҳами	590,52	1 СДР	3347,31
1 АКШ доллари	2168,97	1 Туркия лираси	1102,74
1 Миср фунги	314,80	1 Швейцария франки	2402,23
1 Исландия кронаси	18,07	1 ЕВРО	2939,34
1 Канада доллари	2107,84	10 Жанубий Корея вони	20,42
1 Хитой юани	355,88	10 Япония иенаси	221,35

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Ўтган ҳафтада "Google" компанияси жорий йилнинг учинчи чораги бўйича ўз фаолияти якунларини эълон қилгач, унинг акциялари баҳоси бирданига 13 фоизга кўтарилди.

Акциялари баҳоси кўтарилди



Чунки амалда эришилган натижа кутилганидан анча юқори бўлган. Жумладан, олинган даромад ҳамми 2012 йилнинг шу давридагига нисбатан 12 фоиз ортиб, 14,89 миллиард АКШ долларини ташкил этган. Шунинг 2,97 миллиард доллари соф фойдадир.

Экспертларнинг фикрича, "Google" компанияси кўрсаткичлари унинг реклама хизмати туфайли яхшиланиб борапти.

Яна довул ташвиши


Мексика қирғоқларига "Рэймонд" номли довул яқинлашиб келмоқда, дейилади "AFP" ахборот агентлиги хабарида.

Айни вақтда у мамлакатнинг жануби-шарқий қисмидаги Акапулько шахридан тахминан 250 километр узоқликда, соатига 10 километр тезлик билан ҳаракатланмоқда. Табиий офат марказида шамолнинг тезлиги

соатига 120 километрни ташкил этапти. Сентябрь ойи ўрталарида Мексика ҳудудида шунга ўхшаш иккита бурон кузатилган эди. Ана шу табиат ҳодисалари 157 кишининг умрига зомин бўлган.

«Титаник»дан қолган скрипка

1912 йилда Атлантика океанида ҳалокатга учраган "Титаник" кемаси оркестрига раҳбарлик қилган Уоллес Хартлига тегишли скрипка Уилтшир графлиги (Англия)да ўтказилган кимшоиди савдосида бир миллион еврога сотилди.



Ушбу муслиқий асбобнинг алоҳида қимматга эга жиҳати шундаки, унинг соҳибий лайнер то сувга гарқ бўлгунга қадар унда куй ижро этган. Кўпчиликка яши маълум, дунёга машҳур режиссёр Жеймс Кэмерон томонидан суратга олинган "Титаник" фильмида ана шу фидойилик акс эттирилган кичик бир сахна кўриниши ҳам мавжуд.

Оркестр вакилларининг ҳаммаси ҳаётдан куз юмиб бўлган. Скрипканинг янги эгаси номи эса ошкор этилмади.

Автомобиллар кўриги


АҚШнинг "Green Car" журналида атроф-муҳитга энг кам зарар етказадиган автомобиллар ўртасида ўтказиладиган аънавий автоловнинг бу йилгиси учун номзод русумлар номи эълон қилинди.

Кизиқ жиҳати, якуний босқич қатнашчилари орасида электр энергияси билан ҳаракатланадиган бирорта ҳам модель йўқ. Шундай қилиб, "Audi A6", "BMW 3-Series" (Герма-

ния), "Mazda3", "Toyota Corolla", "Honda Accord" (Япония) русумлари ноябрь ойида Лос-Анжелесда ташкил этиладиган моторшоуда голиблик учун курашади.

Зарарли сув

Япониянинг "Фукусима-1" атом электростанциясида яна бир фавқуллодда ҳолат аниқланди.



Маҳаллий оммавий ахборот воситалари хабарида айтилишича, таркибидида стронций кимёвий моддаси жуда юқори бўлган сув сақланаётган идишлардан бирида ёриқ юзага келган.

Кейинги тафсилотлар эса номаълум. Бу "Фукусима-1" ҳудудида зарарли сув сизиб чиқishi билан боғлиқ дастлабки ҳолат эмас. Октябрь ойи бошларида ҳам шундай воқеа рўй берганди. Ушунда АЭС ишчилари ерга қарий 4 тонна радиоактив сув тўкилганини аниқлашган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Ишончли шерик, яқин кўмакдош

Бугунги кунда республикамизда фаолият юритаётган тижорат банклари тадбиркорлар билан нафақат миждосифатида, балки яқин ҳамкор, ҳаммаслак ва мададкор сифатида мустақкам алоқа боғламоқда.

МИННАТДОРЛИК

Айниқса, улар ўз бизнесини йўлга қўйиш истагида бўлган ишбилармонларни қўллаб-қувватлагани эътиборга лойиқ. Ўз фаолиятим мисолида айтдиган бўлсам, мамлакатимиз-

да тадбиркорларга яратиб берилётган қўлай шарт-шароитлардан руҳланиб, бундан бир неча йил аввал фарзандларим билан маслаҳатлашган ҳолда, марғилонликларнинг азалий

дудумларидан бири — новвойликни ривожлантиришга қарор қилдик. Шу мақсадда молиявий кўмак сўраб, республикамиздаги нуфузли банклардан бири бўлмиш "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банкининг Марғилон филиалига муурожаат этдик. Қарангки, банк ходимлари томонидан биз кутгандан ҳам тез фурсатда зарур кредит маблағи ажратиб берилди.

Айни пайтда мазкур банк ҳақиқий ҳамкоримиз ҳисобланади. Сабаби, унинг молиявий кўмаги туфайли нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонамизда кўплаб ижобий ўзгаришлар юз берди, янги-янги иш ўринлари ташкил этилди. Мисол учун, электр энергиясини кам сарфлайдиган замонавий ускуналар сотиб олдик, ишга, асосан, касб-хунар коллежлари битирувчиларини қабул қилдик.

Дарҳақиқат, тадбиркорлик инсонни фаровонликка, бахтли келажакка етаклайдиган ишончли йўлки, бу йўлдан юрган киши нафақат ўз оиласи, балки эл-юртининг ҳам маъмуричилигини таъминлаш имкониятига эга бўлади.

Бизда шундай имконият бор экан, демак, келгусида ҳам халқимиз дастурхони янада файзли бўлишига ўз ҳиссамизни қўшаверамиз.

Баҳодир ТУРҒУНОВ,
«Нон — ризқ-рўз баракаси» хусусий корхонаси раҳбари.

Реклама ўрнида

Реклама ва эълонлар

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ
очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

«Capital Realtor Group» МЧЖ Самарқанд филиалида 2013 йил 17 октябрь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига Самарқанд тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Самарқанд вилояти ҳўжалик судининг 2013 йил 22 сентябрдаги 14-1207/6258-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд тумани, «Боғибаланд» ҚФЙ, Ўзбекиенти маҳалласида жойлашган, «А» литердаги маъмурий бино, фойдаланиш майдони 160,05 кв.м., «Д» литердаги ем цеци, фойдаланиш майдони 195,02 кв.м., «Е» литердаги омборхона, фойдаланиш майдони 1630,92 кв.м. дан иборат бўлган молхона биноси такроран савдога қўйилган.

Бошланғич баҳоси — 250 000 000 сўм.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги кўчмас мулклар ушбу аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уларни

Манзил: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 150-уй, 3-қават.
Телефон: (8-366) 234-06-38.

Лицензия: № RR-0017.

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ
Сурхондарё вилояти филиали

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

1. Курилиш ости майдони 500,96 кв.м. бўлган, 35 хонадан иборат, 2 қаватли, 1974 йилда қурилган, таъмирталаб маъмурий бино.
Бошланғич баҳоси — 80 511 298,25 сўм.
2. Курилиш ости майдони 151,2 кв.м. бўлган, 9 хонадан иборат, бир қаватли, 1974 йилда қурилган, таъмирталаб савдо дўкони.
Бошланғич баҳоси — 17 102 857,60 сўм.
3. Курилиш ости майдони 77,70 кв.м. бўлган, 3 хонадан иборат, бир қаватли милиция таянч пункти биноси.
Бошланғич баҳоси — 8 983 875,45 сўм.
4. Курилиш ости майдони 42,24 кв.м. бўлган, бир хонадан иборат, бир қаватли, 1974 йилда қурилган, таъмирталаб токар ҳонаси.
Бошланғич баҳоси — 1 572 800,05 сўм.
5. Курилиш ости майдони 1099,28 кв.м. бўлган, бир хонадан иборат, бир қаватли, 1974 йилда қурилган, таъмирталаб омборхона биноси.
Бошланғич баҳоси — 72 052 052,70 сўм.
6. Курилиш ости майдони 540,0 кв.м. бўлган, бир хонадан иборат, бир қаватли, 1974 йилда қурилган, таъмирталаб ғишт қурилиш биноси.
Бошланғич баҳоси — 18 821 755,30 сўм.
7. Курилиш ости майдони 32,0 кв.м. бўлган, бир хонадан иборат, бир қаватли, 1974 йилда қурилган, таъмирталаб ғишт қурилиш биноси.
Бошланғич баҳоси — 5 558 288,50 сўм.
8. Курилиш ости майдони 57,6 кв.м. бўлган, 2 хонадан иборат, бир қаватли, 1974 йилда қурилган, таъмирталаб 1 ва 2-сонли трансформатор биноси.
Бошланғич баҳоси — 4 960 690,05 сўм.
9. Курилиш ости майдони 14,70 кв.м. бўлган, 4 хонадан иборат, бир қаватли, таъмирталаб ҳолатхона биноси.
Бошланғич баҳоси — 708 491 сўм.
10. Курилиш ости майдони 146,0 кв.м. бўлган, 13 хонадан иборат, бир қаватли, 1974 йилда қурилган, таъмирталаб ҳаммом биноси.
Бошланғич баҳоси — 18 782 945,90 сўм.

Аукцион савдолари 2013 йил 11 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2013 йил 8 ноябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ко'снмас мулк савдо хизмати» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХОАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800004920690927, МФО: 01063, СТИР: 207122519.

Буюртманомалар қабул қилинадиган ва савдо ўтказиладиган манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, «Тадбиркорлар маркази» биноси, 2-қават, 6-хона.
Телефон: (8-376) 227-57-94.
www.ikms.uz rieltsavdo@inbox.uz

Лицензия: RR-0001.

2013 ЙИЛ — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

Қувасой — мамлакатимиз индустриясининг таянчларидан бири. Гап шундаки, Фарғона вилоятининг қурилиш ва қурилишбоп маҳсулотларига бўлган эҳтиёжининг деярли 40 фоизи шу шаҳардаги корхоналар томонидан таъминланади. Бу ерда тадбиркор аёлларнинг ўзига ҳос тажриба мактаби яратилган.

Тадбиркор аёлларнинг тажриба мактаби

— Ишбилармон аёлларимизнинг иқтисодийтимиз ривожига қўшаётган ҳиссаси ҳақида илиқ гапларни айтиш мумкин, — дейди шаҳар "Тадбиркор аёл" уюшмаси раиси Дилоромхон Меҳмонова. — Биласиз, "Обод турмуш йили" Давлат дастурининг 4 та бандида хотин-қизлар тадбиркорлиги, ишбилармонлиги, улар фаолиятини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилади. Биз шундан келиб чиқиб, шаҳримиз аёлларининг иқтисод ва интилишларини рўёбга чиқариш, уларни иш билан таъминлаш, ижтимоий-сиёсий фаллиги, билим ва кўникмаларини ошириш учун барча шарт-шароитни яратиб беришга ҳаракат қиламиз.

Хусусан, дастурда тижорат банклари томонидан 523 миллион сўмлик имтиёзли кредит бериш йўли билан аёллар тадбиркорлигини хар томонлама ривожлантириш кўзда тутилган эди. Шу мақсадда Хотин-қизлар кўмитаси, "Тадбиркор аёл" уюшмаси ва "Микрокредитбанк" ҳамкорлигида семинар-тренинглр ўтказилди. Унда иштирок этган 38 нафар тадбиркор аёлга 95 миллион сўмлик кредит йўналтирилди.

Шу билан бирга, ўсмир қизларни ижтимоий ҳимоялаш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, руҳий ёрдам кўрсатиш юзасидан ҳам янгича услубдаги лойиҳалар жорий этиляпти. Бунда, табиийки, Президентимизнинг "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони муҳим дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Набижон СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига ва мустақил изланувчиликка қабул эълон қилади:

08.00.07 — Молия ва кредит — 3 ўрин.
08.00.08 — Бухгалтерия ҳисоби — 2 ўрин.

Хужжатлар 2013 йил 15 ноябргача қуйидаги манзилда қабул қилинади:
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темури шoққўчаси, 60-«А» уй.
Телефонлар: (8-371) 235-41-83, 235-16-01.

САНОАТ КОРХОНАСИ

4 — 6 разрядли — доимий ишга таклиф қилади.

4 — 6 разрядли — электромонтажчиларни, электрикларни.

Иш ҳақи — 2 млн. сўмдан юқори.

Ишчилар бепул овқат ва транспорт билан таъминланади. Иш ҳақи тўловлари ўз вақтида амалга оширилади.

Тошкент вилоятининг Чимён тоғли ҳудудида болалар соғломлаштириш оромгоҳи мавжуд.

Мулоқот учун телефонлар:
(8-371) 241-10-81, (+99890) 929-55-97, (+99890) 167-17-58.

«Халқ сўзи»га ЭЪЛОНЛАР

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

POS-ТИЗИМЛАРИ АВТОМАТЛАШТИРИШ

Micros
Ўзбекистондаги расмий ҳамкор

Штрих-код сканерлари, Чеклар принтери, Кассир иш жойи, Моноблоклар, Харидор дисплей, Тарозилар

ЖИҲОЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ:

- савдо жойлари (магазинлар/супермаркетлар);
- бутик, ноозик-овқат маҳсулотлари савдоси;
- ресторанлар, кафе, барлар;
- фитнес-клублар, бильярдхоналар, боулинг ва бошқалар.

Моноблоклар, кассалар, штрих-код сканерлари, чеклар принтерлари, савдо тарозилари. Дастурий таъминот: Atol, Microinvest, Айтида. Автоматлаштириш «калити билан».

- Кичик Бешёғоч к., 86 (олдинги шаҳар ГАЙСИ қаршисида), тел.: (+998 71) 200-34-34 (қўш. 850, 858), факс: 281-43-65.

www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz

